



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 21 » noyabr

№ 774

Toshkent sh.

### **Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласин:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ адвокатлар томонидан давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан**:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи **адвокатлар реестрини юритиш тартиби**;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича **ариза ва сўровларни кўриб чиқиши тартиби**;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган **адвокатларни жалб этиш тартиби**;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатларга **ҳақ тўлаш тартиби**.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

4. Адлия вазирлиги:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини молиялаштириш масаласи бўйича **ҳар йили навбатдаги давр учун бюджет сўровларини шакллантиру**н;

**бир ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда адлия вазири А.Ж. Таашкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “21” ноябрдаги 774-сон қарорига  
1-илова

**Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни  
жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий коидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда – Қонун) мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**давлат ҳисобидан кўрсатиладиган юридик ёрдам – Қонунда белгиланган тартиб-таомиллар ва шартларга мувофиқ давлат ҳисобидан тўлиқ ёки қисман кўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам;**

**давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри** (кейинги ўринларда – реестр) – Қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган адвокатлар ҳақидаги маълумотлар базаси;

**давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқловчи хужжатлар** (кейинги ўринларда – тасдиқловчи хужжатлар) – давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисида ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ маълумотнома, шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённома ёки адвокатдан воз кечиш тўғрисидаги баённома;

**“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими** – кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаси;

**иш кўриб чиқилаётган худуд** – давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсга тегишли фуқаролик, маъмурий, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётган ёки кўриб чиқилиши мумкин бўлган худуд (республика, вилоят туман ёки шаҳар);

**кам таъминланган шахс** – “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими воситасида кам таъминланган шахс деб эътироф этилган шахс;

**“Юридик ёрдам”** ахборот тизими – тасодифий электрон тарзда танлаб олиш йўли билан жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатларни жалб этиш, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган маҳсус электрон ахборот тизими;

**яқин худуд** – тегишинча иш кўриб чиқилаётган худудга ёки адвокатнинг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартномасида танланган худудларга 50 км дан ортиқ бўлмаган масофадаги худуд.

3. Қўйидаги жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади:

кам таъминланган шахслар, агар улар фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар, маъмурий ишлар бўйича ариза берувчилар, маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликни содир этган шахслар ҳамда жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек, маҳкумлар бўлса;

рухий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга Ўзбекистон Республикасининг “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда;

ўз хукуқлари бузилган, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг хукуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи.

4. Ушбу Низомнинг З-банди иккинчи хатбоҳисида кўрсатилган жисмоний шахсларга фуқаролик ишлари бўйича судлар ва маъмурий судларга тааллуқли бўлган қўйидаги ишлар бўйича давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади:

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш;

ишга тиклаш;

иш ҳақини ундириш;

алиментларни ундириш;

уйга киритиш, турар жойдан фойдаланиш хукуқини йўқотган деб топиш ва кўчириш;

мехнатда майиб бўлганлик ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек, боқувчининг вафот этганлиги туфайли етказилган заарнинг ўрнини қоплаш;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 991-моддасида назарда тутилган тартибда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларининг ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган заарнинг ўрнини қоплаш.

Маъмурий хукуқбузарлик содир этган кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам ушбу шахслар томонидан маъмурий қамоқ жазоси назарда тутилган хукуқбузарлик содир этилган ҳолларда кўрсатилади.

Рухий ҳолати бузилган жисмоний шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда давлат ҳисобидан юридик ёрдам:

ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш;

тиббий йўсингаги мажбурлов чораларини қўллаш;

жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш чоғида кўрсатилади.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг қуйидаги йўналишлари бўйича кўрсатилади:

давлат фуқаролик хизмати соҳасида;

сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда;

иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида;

мехнат муносабатларида;

ижтимоий ҳимоя соҳасида;

оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида;

таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда кўрсатилади.

Кам таъминланган шахс бўлган маҳкумларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам суднинг ҳукми, ажрими ва қарорларини қайта кўриб чиқишида, шунингдек, уларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда кўрсатилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қуйидаги вазифа ва функциялари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий адлия органлари) томонидан амалга оширилади:

реестрга кириш истагини билдирган адвокатлар билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузиш, уларни ўзгартириш ва бекор қилиш;

шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

адвокатларни реестрга киритиш, реестрдан чиқариш ва ундаги маълумотларни янгилаб бориш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг навбатчилик жадвалини тасдиқлаш ва эълон қилиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қуйидаги вазифа ва функциялари туман (шаҳар) адлия бўлимлари (кейинги ўринларда – адлия бўлимлари) томонидан амалга оширилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳақидаги мурожаат ва сўровларни кўриб чиқиши;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни рад этиш ва тугатиш, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатаётган адвокатни алмаштириш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш;

“Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали танланган ёки навбатчилик жадвалига киритилган адвокатни ишга жалб этиш чораларини кўриш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ маълумотларни текшириш;

заруратга кўра, давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдамнинг сифати, тури, ҳажми ва муддатларини тасдиқлаш мақсадида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олган жисмоний шахслардан ва ишни юритаётган ваколатли органдан (мансабдор шахсдан) тегишли ахборот ва маълумотларни сўраб олиш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш чораларини кўриш.

7. Худудий адлия органлари адлия бўлимлари томонидан ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган вазифа ва функциялар бажарилишини назорат қилиб боради.

## **2-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш тартиби**

8. Адвокат реестрга ушбу Низомга 2-иловадаги схемага мувофиқ киритилади.

9. Реестрга кириш истагини билдирган адвокат “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали реестрга кириш ҳақида тегишли худудий адлия органига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ ариза юборади.

10. Адвокатнинг реестрга кириш ҳақидаги аризаси худудий адлия органлари томонидан уч иш куни ичидаги кўриб чиқилиб, натижаси бўйича ариза қаноатлантирилади ёки рад этилади.

11. Куйидаги ҳолларда адвокатнинг реестрга кириш ҳақидаги аризаси рад этилади:

адвокатнинг мақоми тўхтатиб турилган бўлса;

адвокатнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензияси тугатилган бўлса;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома (кейинги ўринларда – шартнома) тузган адвокат яқин ҳудуд ҳисобланмаган бошқа ҳудудий адлия органи билан шартнома тузмоқчи бўлса.

12. Адвокатнинг реестрга кириш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган тақдирда, адвокатга “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали шартнома юборилади.

13. Шартнома Конуннинг 13-моддаси талабларига мувофиқ расмийлаштирилди ва худудий адлия органи раҳбари ҳамда адвокатнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Адвокат беш кун ичида шартномани имзолаши ёки рад этиши мумкин. Агар шартнома белгиланган муддатда имзоланмаган тақдирда, шартномани имзолаш рад этилган деб ҳисобланади.

Шартномани имзолашни рад этган адвокат реестрга қайта кириш истаги бўлганда, унинг аризаси умумий тартибда кўриб чиқилади.

14. Шартнома адвокатнинг ихтиёрига кўра муддатли ёки муддатсиз тузилиши мумкин. Бунда муддатли шартнома олти ойдан кам бўлмаган муддатга тузилади.

Адвокат фаолият юритаётган адвокатлик тузилмаси ўзгарган ҳолларда, адвокат бошқа адвокатлик тузилмасида иш бошлаган куни шартномага ўзгартириш киритиш ҳакида худудий адлия органига “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали мурожаат қилиши шарт.

15. Шартнома адвокат томонидан имзоланган тақдирда, у автоматик равишда реестрга киритилади.

16. Адвокат куйидаги ҳолларда реестрдан чиқарилади:

адвокат билан тузилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

адвокат билан тузилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда;

адвокатнинг мақоми тўхтатиб турилганда;

адвокатнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилганда.

17. Реестр “Юридик ёрдам” ахборот тизимида худудий адлия органлари билан шартнома тузган адвокатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида шакллантирилади.

Реестрда адвокат ҳақидаги куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

реестрдаги тартиб рақами;

адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берувчи лицензиясининг берилган санаси ва тартиб рақами;

адвокат ўз фаолиятини амалга ошираётган адвокатлик тузилмасининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва телефон рақами;

адвокат қайси худудлар доирасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиши истагини билдирган бўлса, ўша худудлар номи;

адвокатнинг рухсат этилган ихтисосликлари турлари;

иш юритиш тили;

иш вақти;

адвокат билан тузилган шартнома ҳақидағи маълумотлар.

Реестрдан барча жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши мумкин. Ҳудудий адлия органлари реестрдаги маълумотларнинг түғри юритилиши учун масъул ҳисобланади.

18. Адвокат шартнома тузган ҳудудий адлия органи жойлашган ҳудуддаги ўзи танлаган туман (шаҳар)ларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатади.

Бир ҳудуд доирасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат мавжуд бўлмаган тақдирда, иш кўриб чиқилаётган ҳудудга энг яқин бўлган ҳудудда фаолият кўрсатаётган адвокат ишга жалб этилиши мумкин.

### **3-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш тартиби**

19. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат ушбу Низомга 4-иловадаги схемага мувофиқ ишга жалб этилади ва унга ҳақ тўланади.

20. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар экстерриториаллик принципи асосида адлия бўлимига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қиласи.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳақидағи электрон шаклдаги мурожаатлар Ягона идентификация тизимидан (OneID) рўйхатдан ўтган ҳолда, “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали юборилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳақидағи оғзаки ва ёзма мурожаатлар тегишли адлия бўлими томонидан мурожаат келиб тушган куннинг кейинги иш кунидан кечиктирмай “Юридик ёрдам” ахборот тизимиға киритилади.

21. Жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун қуидагиларни тақдим этади:

а) давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза, аризада қуидагилар акс эттирилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам оловчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шахсий идентификацион рақами (ЖШШИР), паспорт (идентификацияловчи ID-карта) рақами;

шахсий телефон рақами;

иш кўриб чиқилаётган ҳудуд (республика, вилоят, туман ёки шаҳар);

давлат ҳисобидан юридик ёрдам оловчи шахс тоифаси (кам таъминланган шахс, психиатрия ёрдами кўрсатилаётган ёки хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳукуқлилиги бузилган шахслар);

иш тури ва тоифаси;

иш юритиш тили;

ишининг мазмуни;

б) ариза давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг вакили томонидан берилган тақдирда, жисмоний шахснинг вакилига берилган ишончнома ва (ёки) унинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс ва унинг вакили ўртасидаги қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) ариза руҳий ҳолати бузилган ва психиатрия ёрдами кўрсатилаётган жисмоний шахснинг қонуний вакили ёки психиатрия муассасаси томонидан берилган тақдирда, психиатрия ёрдамини кўрсатувчи психиатрия муассасасининг жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганлиги ҳақидаги маълумотномаси;

г) ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахс томонидан ариза берилган тақдирда, хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқилаётганлиги тўғрисида маълумотнома;

Ушбу банднинг “б”, “в” ва “г” кичик бандларида назарда тутилган маълумотлар адлия бўлими томонидан давлат органлари ўртасидаги электрон ахборот алмашинуви тизимлари орқали мустақил равишда олиниши мумкин.

22. Ваколатли орган ёки муассасанинг ёхуд мансабдор шахснинг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори, шунингдек, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими (кейинги ўринларда – сўров) Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали адлия бўлимига юборилади.

23. Агар жисмоний шахс “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ҳисобда турмаган бўлса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳақидаги ариза ёки сўров “Юридик ёрдам” ахборот тизимида рўйхатга олинмайди, ушбу банднинг учинчи – бешинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Куйидаги ҳолларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳақидаги ариза ёки сўров жисмоний шахс “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ҳисобда турмаганлигидан қатъи назар, “Юридик ёрдам” ахборот тизимида рўйхатга олинади:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 51 ва 52-моддаларига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлса, ҳимоячи (адвокат) тайинлаш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими мавжуд бўлганда;

ариза ёки сўров руҳий ҳолати бузилган, психиатрия ёрдами кўрсатилаётган жисмоний шахснинг қонуний вакили ёки психиатрия муассасаси томонидан берилган тақдирда;

ариза ёки сўров ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахс ёки суд томонидан берилган тақдирда.

24. Ариза ёки сўров Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ уч иш куни ичидаги адлия бўлимлари томонидан кўриб чиқилади, ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг жиноят ишлари бўйича ҳимоячи (адвокат) тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажрими адлия бўлимлари томонидан кўриб чиқилиши талаб этилмайди ва ушбу Низомнинг 27-бандига асосан адвокатни танлашга асос бўлади.

25. Адлия бўлими томонидан ариза ёки сўровни кўриб чиқиш натижаси бўйича “Юридик ёрдам” ахборот тизимида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ёки кўрсатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва рўйхатга олинади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш қўйидаги ҳолларда рад этилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза ёки сўров ушбу Низом ва Қонун талабларига мувофиқ бўлмаганда;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза жисмоний шахснинг вакили томонидан унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, жисмоний шахс ва унинг вакили ўртасидаги қариндошлиқ муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмасдан берилганда;

психиатрия ёрдамини кўрсатувчи психиатрия муассасасининг жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси мавжуд бўлмаганда;

хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлмаганда;

жисмоний шахс (унинг вакили) томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ёлғон ёки нотўғри ахборот мавжуд бўлганда;

жисмоний шахсга илгари фуқаролик ишлари ёки маъмурий ишлар бўйича айнан ўша тарафлар ўртасидаги низо юзасидан айни ўша предмет тўғрисидаги ва айни ўша асослар бўйича ҳуқуқий ҳимоянинг барча воситалари қўлланилган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган бўлса (янги очилган ҳолатлар бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳоллари бундан мустасно).

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш рад этилган тақдирда, адлия бўлими давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахсни ёки сўров юборган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёхуд ваколатли органни (мансадбор шахсни) рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда электрон ёки ёзма равишда дарҳол хабардор қиласди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш рад этилганлиги устидан юкори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

26. Адлия бўлимининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарори, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи (адвокат) тайинлаш ҳақидаги қарори ёки суднинг ажрими “Юридик ёрдам” ахборот тизимида рўйхатга олинаётганда, ахборот тизимига қуидаги маълумотлар киритилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-карта)га оид маълумотлар;

юридик ёрдам кўрсатиладиган ишнинг тури ва тоифаси;

иш юритиладиган тил;

иш кўриб чиқилаётган ҳудуд;

адвокатнинг ишда иштирок этиш санаси ва вақти.

Бунда заруратга кўра, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишга оид бошқа маълумотлар ҳам “Юридик ёрдам” ахборот тизимига киритилиши мумкин.

27. Адлия бўлимининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарори, шунингдек, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи (адвокат) тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажрими “Юридик ёрдам” ахборот тизимида рўйхатга олингандан сўнг ахборот тизими иш кўриб чиқилаётган ҳудуд бўйича адвокатни тасодифий электрон тарзда танлайди.

“Юридик ёрдам” ахборот тизими томонидан адвокатни электрон танлашда ушбу тизимнинг “сараплаш” функцияси орқали қуидагилар ҳисобга олинади:

адвокатнинг ихтисослиги;

адвокат шартнома тузган ҳудудлар бўйича иш кўриб чиқилаётганлиги, ушбу Низомнинг 18-банди иккинчи хатбошисида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

иш юритилаётган тилни билиш даражаси.

28. Танланган адвокатнинг телефон рақамига ҳамда “Юридик ёрдам” ахборот тизимида шахсий электрон кабинетига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ишни қабул қилиш ёки рад этиш ҳақида автоматик равища “SMS” шаклида хабарнома юборилади.

Танланган адвокат “Юридик ёрдам” ахборот тизимида шахсий кабинети орқали ишни қабул қиласи ёки рад этади.

Агар “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали танланган адвокат ишда иштирок этишни рад этадиган бўлса, у рад этиш асосларини дарҳол “Юридик ёрдам” ахборот тизимига киритиши керак.

29. Танланган адвокат жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича бир соат, бошқа турдаги ишлар бўйича беш иш соати мобайнида ишни қабул қилишни рад этган ёки хабарномага жавоб бермаган тақдирда, “Юридик ёрдам” ахборот тизими иш кўриб чиқилаётган ҳудуд ёки иш кўриб чиқилаётган ҳудудга яқин ҳудудлар доирасида бошқа адвокатни танлайди.

“Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали адвокатни танлаш жараёни тизим орқали танланган адвокатлардан бири ўзининг ишда иштирок этишини тасдиқланмагунига қадар давом этади, ушбу банднинг учинчи хатбошисида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни танлаш жараёнида икки соатдан ортиқ ваqt давомида электрон танлаш йўли билан адвокат топилмаган ёки танланган адвокатларнинг ҳеч бири ишни қабул қилмаган ҳолатлар “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ кечикириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур бўлган” деб топилиши ва навбатчилик жадвалига асосан адвокатни ишга жалб қилишга асос бўлади.

30. “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали танланган ҳамда тегишли ишда ўзининг иштирок этишини тасдиқлаган адвокат процессуал қонунчилик хужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда юридик ёрдам кўрсатишга киришиши шарт.

“Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали танланган адвокат ҳақидаги ахборот давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахсга ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида сўров юборган ваколатли органга (мансабдор шахсга) жўнатилади.

31. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ҳудудий адлия органи томонидан тасдиқланган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг навбатчилик жадвалига асосан қуидаги ҳолларда адвокатлардан бирини ишда иштирок этиш учун жалб қилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ кечикириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур бўлганда;

техник муаммолар сабабли “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали адвокатни танлаш имконияти мавжуд бўлмаганда;

дам олиш ёки ишланмайдиган байрам кунлари бошланганда.

Бунда навбатчилик жадвали ҳудуд бўйича, бир ҳудудда шартнома тузган адвокатлар топилмаган ҳолларда яқин ҳудудлар бўйича реестрга киритилган адвокатлар орасидан “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали шакллантирилади ва ҳудудий адлия органи томонидан ҳар ойнинг биринчи санасига қадар тасдиқланиб, “Юридик ёрдам” ахборот тизимида эълон қилинади.

32. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат қуйидаги ҳолларда адлия бўлимининг қарори асосида бошқа адвокат билан алмаштирилади:

адвокат реестрдан чиқарилганда;

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган ҳолатлар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасдиқланса;

адвокат касаллиги сабабли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳақида тиббий хулоса тақдим этганда;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахснинг мурожаатига асосан адвокатга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилганда.

Мазкур бандда кўрсатилган асослардан ташқари бошқа ҳолларда адвокатни алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Бир адвокатни бошқа адвокат билан алмаштириш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг узлуксизлиги таъминланади.

33. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш адлия бўлимининг қарори билан қуйидаги асосларга кўра тугатилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахснинг аризасига кўра;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилаётган жисмоний шахс “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган шахслар тоифасидан чиқарилган бўлса;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилаётган иш бўйича жисмоний шахсга юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида бошқа адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатилаётган бўлса;

жисмоний шахснинг аризасида кўрсатилган масала бўйича юридик ёрдам кўрсатиш суднинг тегишли ҳукми, қарори ёки ажрими чиқарилганлиги муносабати билан якунланган бўлса;

психиатрия муассасаси томонидан жисмоний шахсга психиатрия ёрдамини кўрсатиш тугатилган бўлса;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилаётган жисмоний шахс вафот этган ёки вафот этган деб эълон қилинган ёхуд бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилаётган шахс адвокатдан белгиланган тартибда ёзма равишда воз кечганда.

Адлия бўлимининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни тугатиш тўғрисидаги қарори “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали қабул қилинади.

Ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида белгиланган ҳолатлар юзага келганда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахс ҳамда ушбу банднинг олтинчи хатбошисида белгиланган ҳолатлар юзага келганда эса, психиатрия муассасаси адлия бўлимига уч кун муддатда бу ҳақда хабар бериши шарт.

#### **4-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқлаш тартиби**

34. Реестрга киристилган адвокатлар давлат ҳисобидан юридик ёрдамни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга, шунингдек, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари ҳамда ушбу соҳага оид бошқа ҳужжатларга мувофиқ сифатли кўрсатиши шарт.

35. Адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тегишинча терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва суд жараёни, шунингдек, психиатрия ёрдами кўрсатиш якунланган кундан бошлаб, бир ой муддат ичida “Юридик ёрдам” ахборот тизимиға киритиши лозим.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома адвокатнинг имзоси ёки электрон имзоси билан тасдиқланади.

36. Тасдиқловчи ҳужжатларнинг процессуал ҳаракатларни амалга оширишда адвокатнинг иштирок этиши ҳақидаги қисми ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки бошқа ваколатли орган (mansabдор шахс) билан уч иш куни ичida “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали электрон ёки ёзма шаклда келишилади.

Ёзма шаклда келишилган тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси рангли “PDF”, “JPG”, “JPEG” ёки “PNG” кўринишида, сифатли ҳолатда “Юридик ёрдам” ахборот тизимиға киритилади.

Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки бошқа ваколатли орган (mansabдор шахс) адвокатнинг мурожаатидан кейин уч иш куни ичida тасдиқловчи ҳужжатларни келишиб бермаса, тасдиқловчи ҳужжатлар келишилган деб ҳисобланади. Бунда ёзма равишда келишиш учун тақдим қилинган тасдиқловчи ҳужжатларни келишиш учун қабул қилинган санаси мазкур ҳужжатнинг нусхасида қайд этилади.

37. Тасдиқловчи ҳужжатларда адвокат ўзининг иштирокини белгилаган кунларда тегишинча терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва суд жараёнида, шунингдек, психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда иштирок этмаган бўйса, тасдиқловчи ҳужжатни келишиш рад этилади.

Тасдиқловчи ҳужжатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан келишиш рад этилганда, рад этиш асоси кўрсатилади.

38. Тасдиқловчи ҳужжатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки бошқа ваколатли орган (mansabдор шахс) билан келишилгандан сўнг “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган ҳудуддаги адлия бўлимига юборилади.

Тасдиқловчи ҳужжатлар адлия бўлимига келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичida текширилади ҳамда давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам бўйича адвокатга ҳақ тўлаш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимига юборилади.

Агар тасдиқловчи хужжатларни текшириш натижаларига кўра ёлғон ёки нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда, уларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимига юбориш рад этилади.

39. Адлия бўлими адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдамнинг сифати, тури, ҳажми ва муддатларини тасдиқлаш мақсадида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олган жисмоний шахслардан ва ишни юритаётган ваколатли органдан (мансабдор шахсдан) ахборот ва маълумотлар сўраб олишга ҳақли. Бунда ушбу ахборот ва маълумотлардан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасининг умумий мониторингини юритиш учун фойдаланилади ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашга таъсир қилмайди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатдан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқлаш учун тасдиқловчи хужжатлардан бошқа кўшимча хужжатлар талаб этилишига йўл қўйилмайди.

#### **5-боб. Давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдамни молиялаштириш асослари, миқдорлари ва ҳақ тўлаш тартиби**

40. Адвокат томонидан тасдиқловчи хужжатлар тегишли адлия бўлимига “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали юборилганлиги кўрсатилган давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш учун асос бўлади.

41. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатаётган адвокат алмаштирилганда ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тугатилганда ёхуд қонунчилик хужжатларига мувофиқ иш юритиш тўхтатиб турилганда, адвокатга амалда кўрсатилган давлат ҳисобидан юридик ёрдами учун ҳақ тўланади.

42. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ миқдорларда ҳақ тўланади.

43. Икки ва ундан ортиқ шахсларга битта фуқаролик, маъмурий, жиноий ва маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда, психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда, хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқлилиги бузилганлиги бўйича ишларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга ҳар бир ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги шахс) учун ушбу Низомга 5-иловада белгиланган миқдорларнинг 80 фоизи миқдорида ҳақ тўланади.

44. Адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хизмат сафари ва транспорт харажатлари адвокат шартнома тузган жойдан 50 км масофадан узоқ бўлган худудда юридик ёрдам кўрсатилган ҳолларда қопланади.

45. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг туман (шаҳар) бўлими томонидан томонидан унга тасдиқловчи хужжатлар келиб тушгандан сўнг ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи ўн беш куни давомида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга у фаолият юритаётган адвокатлик тузилмасининг банк ҳисобварафига пул ўтказиб бериш йўли билан ҳақ тўланади.

46. Агар фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган жисмоний шахснинг фойдасига қабул қилинган бўлса, суд иккинчи тарафдан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети фойдасига ундириб олади, иккала тараф Қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш хуқуқига эга бўлган шахслар деб эътироф этилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахс давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш хуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар тоифаларидан бирига кириш мақсадида ёлғон ёки чалғитувчи маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатларнинг ўрни юридик ёрдам олган жисмоний шахс томонидан қопланади.

Ушбу Низомнинг 33-банди ўнинчи хатбошисига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни тугатиш асослари вужудга келганлиги ҳақида давлат ҳисобидан юридик ёрдам оловчи шахс ёки психиатрия муассасаси томонидан адлия бўлимига хабар берилмаган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни тегишлича давлат ҳисобидан юридик ёрдам оловчи шахс ёки психиатрия муассасаси томонидан қопланади.

Адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисида ёлғон ёки нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни адвокат томонидан қопланади.

Ушбу банднинг иккинчи – тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган шахслар томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш рад этилган тақдирда, бундай харажатлар суд тартибида ундирилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

47. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги ҳақидаги маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгардир.

Тасдиқловчи ҳужжатларнинг процессуал ҳаракатларни амалга оширишдаги иштирокига оид қисмини келишган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки бошқа ваколатли орган (мансадбор шахс) маълумотларнинг келишилган қисмига жавобгар ҳисбланади.

48. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари адвокатларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун харажатларни ушбу Низомда белгиланган миқдорда ва муддатларда тўлаб бериши шарт.

49. Мазкур Низом талаблари бузилишида айборд бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган  
адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга

1-илова

**Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТНОМА**

1.	Адвокатлик тузилмасининг номи	
2.	Адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	
3.	Адвокатлик тузилмасининг манзили ва телефон рақами	
4.	Адвокатлик тузилмасининг СТИР маълумотлари	
5.	Хизмат қўрсатаётган банкнинг номи, МФО ва ҳисобварағи	
6.	Ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги) шахслар сони	
7.	Ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги) шахс(лар)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми	1. 2. 3. ...
8.	Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган худуд ёки худудлар доираси	
9.	Юридик ёрдам кўрсатилган жой, ташкилот, хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки судлар номи	1. 2. 3. ...
10.	Юридик ёрдам кўрсатилган иш тури	<input type="checkbox"/> фуқаролик; <input type="checkbox"/> маъмурий; <input type="checkbox"/> маъмурий ҳуқуқбузарлик; <input type="checkbox"/> жиноий; <input type="checkbox"/> хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги бўйича ишлар; <input type="checkbox"/> психиатрия ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ ишлар.
11.	Юридик ёрдам кўрсатилган иш туркуми*	
12.	Иш рақами	

13.	Судга ариза (даъво ариза) ва шикоят киритилганилиги ҳақида маълумот**	
14.	Терговга қадар текширув ҳаракатларида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
15.	Суриштирув ҳаракатларида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
16.	Тергов ҳаракатларида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
17.	Биринчи инстанция судида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
18.	Апелляция инстанцияси судида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
19.	Кассация инстанцияси судида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
20.	Тафтиш инстанцияси судида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
21.	Бошқа суд муҳокамаларида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
22.	Психиатрия ёрдамини кўрсатиш жараёнларида иштирок этган кунлари сони ва санаси	
23.	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	
24.	Ишда муваффақият қозонгандиги ҳақидаги маълумотлар***	
25.	Адвокатнинг имзоси ва муҳри ёки электрон имзоси****	
26.	Келишилди ( <i>келишган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иши жойи, лавозими имзоси ва муҳри ёки электрон имзоси</i> )*****	
27.	Тўловга тасдиқланди ( <i>адлия органи мансабдор шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми, иши жойи, лавозими, имзоси ёки электрон имзоси</i> )	

### **Изоҳлар.**

*\*) Масалан, вояга етмаган фарзандга алимент ундириши ҳақидаги иш ёки бошқа турдаги керакли иш туркуми киритилади.*

*\*\*) Ариза (даъво ариза) ва шикоят қайси судга ва қачон киритилганилиги ҳақидаги маълумот кўрсатилади.*

*\*\*\*) Фуқаролик ёки маъмурий иш бўйича суднинг қарори давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган жисмоний шахснинг фойдасига чиқарилганилиги, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ишида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган жисмоний шахс жазодан озод этилган ёхуд оқлов ҳукми чиқарилганилиги ҳақидаги маълумотлар киритилади.*

*\*\*\*\*) Маълумотнома “Юридик ёрдам” ахборот тизимида электрон шаклда тўлдирилган тақдирда, адвокатнинг электрон имзоси билан тасдиқланади ёхуд маълумотнома қозоз шаклда расмийлаштирилган тақдирда, адвокатнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.*

*\*\*\*\*\*) Маълумотнома “Юридик ёрдам” ахборот тизимида электрон шаклда келишилган тақдирда, тегишили мансабдор шахснинг электрон имзоси билан тасдиқланади ёхуд қозоз шаклдаги маълумотнома келишилган тақдирда, тегишили мансабдор шахснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.*

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган  
адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш  
тартиби тўғрисида низомга  
2-илова

**Адвокатни Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи  
адвокатлар реестрига киритиш**

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Адвокат	“Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали худудий адлия органига реестрга кириш ҳақида ариза юборади.	Ўз хохишига кўра
2-bosqich	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари	1. Адвокатнинг реестрга кириш ҳақидағи аризасини кўриб чиқиб, қаноатлантиради ёки рад этади. 2. Адвокатнинг реестрга кириш ҳақидағи аризаси қаноатлантирилган тақдирда, унга “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали шартномани юборади.	Уч иш куни ичида
3-bosqich	Адвокат	Шартномани имзолайди ёки рад этади.	Беш кун ичида
4-bosqich	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари	Адвокат шартномани имзолаган тақдирда, уни реестрга киритади.	Автоматик равища

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган  
адвокатларни жалб этиш ва уларга хақ тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар  
реестрига кириш ҳақида**

**АРИЗА**

1.	Адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	
2.	Адвокатлик тузилмасининг номи	
3.	Адвокатлик тузилмасининг манзили ва телефон рақами	
4.	Адвокатлик тузилмасининг ҳисобварафи маълумотлари	
5.	Юридик ёрдам кўрсатиладиган худуд ёки худудлар доираси	
6.	Адвокатлик гувоҳномасининг реквизитлари ( <i>раками, берилган санаси, ким томонидан берилганлиги</i> )	
7.	Адвокатнинг лицензия бўйича иҳтинослиги	<input type="checkbox"/> фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш <input type="checkbox"/> маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш
8.	Қайси тилда юридик ёрдам кўрсатилиши	<input type="checkbox"/> ўзбек <input type="checkbox"/> қорақалпоқ <input type="checkbox"/> рус <input type="checkbox"/> инглиз <input type="checkbox"/> тоҷик <input type="checkbox"/> қирғиз <input type="checkbox"/> қозоқ <input type="checkbox"/> турк <input type="checkbox"/> бошқалар

*Мазкур аризада келтирилган маълумотлар:*

- “Юридик ёрдам” ахборот тизимидағи Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилишига ва эълон қилинишига;
- Заруратга кўра, ушбу аризанинг 5-бандида келтирилганларга яқин худудларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишига розиман.

QR-код

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида низомга  
4-илова

**Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни  
ишга жалб этиш ва унга ҳақ тўлаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Жисмоний шахс	Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун экстерриториаллик принципи асосида адлия бўлимiga оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қиласди.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, ваколатли орган ёки муассаса ёхуд мансабдор шахс	Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида сўров (қарор ёки ажрим)ни “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали адлия бўлимiga юборади.	Заруратга кўра
3-босқич	Туман (шахар) адлия бўлими	Ариза ёки сўровни кўриб чиқиб, натижаси бўйича “Юридик ёрдам” ахборот тизимида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ёки кўрсатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва рўйхатга олади.	Уч иш куни ичида
	“Юридик ёрдам” ахборот тизими	1. Адлия бўлимининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарори, шунингдек, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи (адвокат) тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажрими иш кўриб чиқилаётган ҳудуд бўйича адвокатни тасодифий электрон тарзда танлайди.	Қарор рўйхатга олингандан сўнг

		<p>2. Танланган адвокатнинг телефон рақамига ҳамда “Юридик ёрдам” ахборот тизимидағи шахсий электрон кабинетига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ишни қабул қилиш ёки рад этиш ҳақида “SMS” шаклида хабарнома юборади.</p> <p>3. Танланган адвокат жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича бир соат, бошқа турдаги ишлар бўйича беш иш соати мобайнида ишни қабул қилишни рад этган ёки хабарномага жавоб бермаган тақдирда, иш кўриб чиқилаётган ҳудуд ёки иш кўриб чиқилаётган ҳудудга яқин худудлар доирасида бошқа адвокатни танлайди.</p>	<p>Автоматик равища</p> <p>Танланган адвокатлардан бири ўзининг ишда иштирок этишини тасдиқламагунига қадар</p>
<p>4-босқич</p>	<p>Адвокат</p>	<p>1. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатади.</p> <p>2. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқловчи хужжатларни “Юридик ёрдам” ахборот тизимидағи киритади.</p> <p>3. Тасдиқловчи хужжатларнинг процессуал ҳаракатларни амалга оширишда адвокатнинг иштирок этиши ҳақидағи қисмини ишни юритаётган суроштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки бошқа ваколатли орган</p>	<p>Белгиланган муддатларда</p> <p>Терговга қадар текширув, суроштирув, тергов ва суд жараёни, шунингдек, психиатрия ёрдами кўрсатиш якунланган кундан бошлаб, бир ой муддат ичидা</p> <p>Уч иш куни ичидা</p>

		(мансабдор шахс) билан “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали келишади. 4. Тасдиқловчи хужжатларни “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган ҳудуддаги адлия бўлимига юборади.	Келишилгандан сўнг
5-босқич	Туман (шаҳар) адлия бўлими	Тасдиқловчи хужжатларни текширади ҳамда давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам бўйича адвокатга ҳақ тўлаш учун туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимига юборади.	Келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида
6-босқич	Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими	Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга у фаолият юритаётган адвокатлик тузилмасининг банк ҳисобварағига пул ўтказиб бериш йўли билан ҳақ тўлайди.	Тасдиқловчи хужжатлар келиб тушгандан сўнг ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи ўн беш куни давомида

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам күрсатадиган  
адвокаттарни жалб этиш ва уларга ҳақ түлаш  
тартиби түғрисидаги низомга  
5-илова

**Давлат ҳисобидан юридик ёрдам күрсатган  
адвокат учун түланадиган ҳақ  
МИҚДОРЛАРИ**

T/p	Амалга оширилган харакат номи	Амалга оширилган вақти	Ҳақ миқдори (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан)
1.	Терговга қадар текширув, суриштирув, тергов жараёнида, судда күрилаётган ишларда ва психиатрия ёрдами күрсатилаётганда юридик ёрдам күрсатилган ҳар бир кун учун	Кун давомида	50 фоиз
		Тунги вақтларда	75 фоиз
		Дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) куnlари	100 фоиз
2.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан химоячидан воз кечиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларда иштирок этганилиги учун (ҳар бир процессуал ҳаракат учун алоҳида ҳисобланади)	Кун давомида	30 фоиз
		Тунги вақтларда	45 фоиз
		Дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) куnlари	70 фоиз
3.	Судга ариза ва шикоятлар киритганлик учун	Амалга оширилган вақтдан қатъи назар	20 фоиз
4.	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари учун (юридик ёрдам күрсатилган ҳар бир кун учун ҳисобланади)	Амалга оширилган вақтдан қатъи назар	25 фоиз

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “21” ноябрдаги 774-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисобланалётган айрим ҳужжатлари**  
**РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 20 июндаги 137-сон қарори.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 76-банди.

